



 <https://doi.org/10.47980/MOTURIDIY/2025-1/2>

Jahongir TOHIROV^a 

^a Dean of the Faculty of Islamic Studies,
International Islamic Academy of Uzbekistan,
PhD in History, Acting Associate Professor
11 A. Qadiri Street, 100011, Tashkent, Uzbekistan
E-mail: jahontoh1982@gmail.com

АҚИДАВИЙ АСАРЛАР ОРАСИДА «ШАРҲ ТАЖРИД АЛ-КАЛОМ»НИНГ ЎРНИ ВА УСЛУБИ

Аннотация. Мақола Али Қушчининг «Шарҳ Тажрид ал-калом» асарининг манбавий асосларини, унинг илмий аҳамиятини ва тарихий контекстини ўрганишга бағишланган. Асар, у яратган замон ва макон доирасида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, калом илмини чуқур таҳлил қилиш орқали ўзининг илмий қийматини очиб берган. Қушчи ўз асарида фойдаланган муҳим манбалар, жумладан, Носириддин Тусий, Фахриддин Розий, Саъдиддин Тафтазоний ва бошқа олимларнинг асарлари, унинг илмий меросига қандай таъсир қилганини кўрсатади. Али Қушчи Тусий ва Розий каби ўрта аср ислом олимларининг нуқтаи назарларини ўзлаштириб, ўзига хос илмий ва тафаккурий позиция шакллантирди. Али Қушчининг «Шарҳ Тажрид ал-калом» асарини тадқиқ қилиш орқали, нафақат унинг ўзига хос илмий меросини, балки унинг кейинги давр илмий мактаблари ва уларнинг ривожланишига таъсирини ҳам ўрганиш мумкин. Мақола, асар ҳақида олдин тақдим этилган илмий изланишлар, шарҳлар, муаллифнинг ўзига хос услуби ва методологиясини ҳам ёритади.

Шунингдек, мақола, Али Қушчининг асари ёрдамида у ўрганган илмий мероснинг қийматини ва унинг ақида ва калом илми соҳасидаги ўрнини ҳам ёритиб беради. Асар, нафақат илмийлик жиҳатидан, балки тарихий, маданий ва диний контекстда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у орқали ўрта асрларнинг исломий тафаккури ҳақида чуқурроқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Қушчининг методологияси ва улкан илмий салоҳияти унинг асарларининг тафсиллий шарҳларига бўлган талабни оширган ва бу шарҳлар асарнинг келажакдаги илмий ривожига бевосита таъсир кўрсатган.

Калим сўзлар: Шарҳ Тажрид ал-калом, Қозихон Самарқандий, калом, ақида, мотуридийлик, ашъарийлик, мантиқ, методология.

THE PLACE AND METHODOLOGY OF «SHARH TAJRID AL-KALAM» AMONG DOCTRINAL WORKS

Abstract. This scientific article is dedicated to studying the foundational sources of Ali Qushchi's work *Sharh Tajrid al-Aqa'id*, its scholarly significance, and its historical context. The work holds great importance within the era and region it was created, showcasing its scientific value through a deep analysis of theology and beliefs. The key sources used by Qushchi in his work, including the writings of Nasir al-Din al-Tusi, Fakhr al-Din al-Razi, Sa'd al-Din al-Taftazani, and other Islamic scholars, illustrate how these have influenced his scholarly legacy. In his work, Ali Qushchi internalizes the perspectives of medieval Islamic scholars like Tusi and Razi, engages with their ideas, and develops his own unique scientific and philosophical stance. Through the study of *Sharh Tajrid al-Aqa'id*, one can explore not only Qushchi's distinctive scholarly heritage but also its impact on later intellectual schools and their development. The article delves into the detailed scientific research, commentaries, and the broader intellectual environment surrounding the work, shedding light on the author's unique style and methodology.

Additionally, the article explains the value of the scientific heritage explored in Ali Qushchi's work and its place within Islamic theology and kalam. The work holds significant importance not only in terms of scholarship but also within historical, cultural, and religious contexts. It offers a deeper understanding of medieval Islamic thought. Qushchi's methodology and immense scholarly potential have increased the demand for detailed commentaries on his works, and these commentaries have directly influenced the future development of his scientific legacy.

Keywords: *Sharh Tajrid al-kalam, Qadikhan Samarqandi, kalam, aqida, maturidism, ash'arism, logic, methodology.*

КИРИШ

Ақида ва каломга оид асарнинг манбашунослик нуқтаи назаридан аҳамияти, аввало, ёзма манбанинг узоқ йиллар ўтиб, бугунга қадар кўп сонли қўлёзма ва тошбосма нусхаларда етиб келгани, сақланиб қолганлиги билан баҳоланади. Унинг том маънодаги илмий қийматини эса, унга турли замон ва маконларда шарҳ ҳамда ҳошиялар битилгани, таълим тизимида қўллангани ҳамда атроф минтақаларда кенг ёйилгани ва кейингиларга (олим ва асарига) кўрсатган таъсири билан ўлчанади. Шу жиҳатларни айтиш Али Қушчининг каломга доир асарида ҳам кузатиш мумкин. Албатта, унинг замирида алломанинг илмий салоҳияти ётади. Демак, мазкур омилиларга кўра, уларни тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Али Қушчининг «Шарҳ Тажрид ал-ақоид» асарини тадқиқ қилишда қуйидаги манбалар муҳим аҳамиятга эга:

1. Носириддин Тусийнинг (ваф. 672/1274 й.) «Тажрид ал-ақоид», «Рисола фи қавоид ал-ақоид», «Талхис ал-Мухассал», «Шарҳ масъала ал-илм», «Шарҳ ал-ишорот ва ат-танбиҳот» асарлари;

2. Тусийнинг фикри нуқтаи назаридан жуда муҳим ўринга эга бўлган, кейинги (мутааххир) давр ақида илмининг энг муҳим шахсияти ва ушбу «давр имоми» Фахриддин Розийнинг (ваф. 606/1206 й.) «Китоб ал-арбаин фи усул ад-дин», «Ниҳоят ал-уқул», «ал-Мухассал», «ал-Матолиб ал-олия», «ал-Мабоҳис ал-машриқия» асарлари;

3. Розий ва Тусийнинг илмий меросини ўрганишда жуда қимматли мавқега эга бўлган Азудиддин Ийжийнинг (ваф. 756/1355 й.) «ал-Мавоқиф», Саййид Шариф Журжонийнинг (ваф. 816/1413 й.) «Шарҳ ал-Мавоқиф» асарлари;

4. Тусийнинг шогирди Ибн Мутаҳҳар Хиллийнинг (ваф. 726/1326 й.) «Кашф ал-мурод» асари – «Тажрид ал-ақоид»га биринчи ёзилган шарҳ;

5. Саъиддин Тафтазонийнинг (ваф. 792/1390 й.) «ал-Мақосид фи илм ал-ақоид (усул ад-дин)», «Шарҳ ал-Мақосид» асарлари;

6. Тажрид илк бора аҳли сунна вал-жамоа эътиқодига мувофиқ тарзда шарҳланган Шамсиддин Исфаҳонийнинг (ваф. 688/1289 й.) «Тасдид ал-қавоид» асари;

7. Садрушшариа Убайдуллоҳ ибн Масъуд (ваф. 1346 й.) «Тааддий ал-улум фи ал-ақоид» таркибий жиҳатдан уч қисмдан иборат: мантиқ, ақоид ва турли илм соҳаларига бағишланган. Унда Носириддин Тусийнинг (ваф. 1274 й.) «Тажрид ал-ақоид», «Шарҳ ал-Ишорот», «ас-Саҳойиф», «аш-Шифо» сингари асарларидан иқтибослар келтирган. Асар мотуридия бўйича муҳим манбалардан бири ҳисобланади;

8. Усманий олимларидан бири Хизр Бейнинг (ваф. 863/1458 й.) «ал-Қасида ан-нуния» ва Шамсиддин Аҳмад Хаёлийнинг (ваф. 886/1481 й.) «Шарҳ ал-Қасида ан-нунийя» асарлари;

Али Қушчи бу ўзининг муҳим асари эканини ва уни ёзиш учун етмиш жилд китобни ўрганиб чиққанлигини таъкидлайди. Асар моҳиятини тушуниш, аввало, унинг манбавий асосларига кириб бориш орқали амалга оширилади. У мазкур етмиш жилд асарни ақида илмини чуқур англаш мақсадида ўрганган ва уларнинг қуйидагиларидан «Шарҳ Тажрид ал-ақоид»ни ёзишда фойдаланган:

1. Хиллийнинг (Ибн Мутаҳҳар Жамолиддин Ҳасан ибн Юсуф ибн Али ваф. 726/1325 й.) «Кашф ал-мурод фи Шарҳ Тажрид ал-эътиқод» номли шарҳи. Бу «Тажрид» шарҳларининг энг биринчиси, аҳамиятлиси ва минтақавий жиҳатдан энг кўп тарқалганидир. У Тусийнинг шогирди бўлгани сабабли матндаги мақсадларини энг тўғри тушунган, деб тахмин қилинади (Kâtip Çelebi, 2012:53). Аммо, Хиллийнинг баъзи масалалардаги қарашлари Тусий билан мувофиқ бўлмаган.

Али Қушчи ўз шарҳининг «Илоҳиёт» бўлимида «Кашф ал-мурод»дан қуйидаги мавзуларда асар ва муаллифни зикр қилмай иқтибос келтирган: қудрат сифати (275б); таклиф (307а), (307б); лутф (308а), (308б); алам (309а). Иқтибослардан англаш мумкинки, аҳли сунна доирасида муҳокама қилинадиган масалаларга кирмайдиган, балки мўътазила аъзоларининг ўз ораларида муҳокама қилинадиган баҳсли масалалар бўйича Али Қушчи Хиллийнинг шарҳига мурожаат қилган.

2. Исфаҳонийнинг (Шамсиддин Маҳмуд ибн Абдурахмон ибн Аҳмад Шофейй ваф. 688/1289 й.) «Ташйид (Тасдид) (Kâtip Çelebi, 2012:346-347) ал-қавоид фи Шарҳ Тажрид ал-ақоид» номли шарҳи «аш-шарҳ ал-қадим» номи билан машҳур бўлган. Исфаҳоний ўзининг шарҳида Тусийнинг матни жумбоқ сингари ниҳоятда ихчам эканини таъкидлаб, унинг қоидалари ва мақсадларини белгилаб берган. Хусусан, у имоматга оид баҳсларга билдирилган эътирозларга эътибор

қаратган. Исфаҳоний Ҳиллийнинг услубини асос қилиб, аввало, «Тажрид» матнини сўнгра ўз шарҳини келтиради. Бунга қўшимча равишда, у «Тажрид»даги тушунчаларни англаш учун, асосан, Ҳиллийнинг асаридан фойдаланади.

Исфаҳоний асарда қўллаган услубини Холид Адвоний қуйидагича бандлар шаклида баён этган: Исфаҳоний ўз шарҳида «Тажрид» матнидаги унчалик маълум бўлмаган, изоҳлашга эҳтиёж бўлган сўзларни очиқлашга эътибор беради; маъноларини тушунтиришда энг аниқ ва осон ибораларни қўллаган; шарҳлаш пайтида дуч келган илмий атамаларни, қандай фан бўлишидан қатъи назар, кўпинча тавсифлайди; мавзу шарҳи билан чекланиб, ташқарига чиқмайди; масалалар ва далилларни мантиқий таҳлил қилишга эътибор беради; агар матнда ҳар хил эҳтимоллар бўлса, уларни баён қилиб, кейин ўз танловини (таржих) келтиради; Тусий «Тажрид»даги етказмоқчи бўлган мақсадига зид бўлган ва назарда тутилган маънони англамайдиган иборани Исфаҳоний ишлатганда огоҳлантиради; Тусий билан рози бўлмаганда, уни рад этади; ўзидан олдинги «Тажрид» шарҳчиларини баъзан танқид ҳам қилади; ундан олдин бирор замондош олим қилган эътирозга берган жавоби қониқтирмаса, у буни рад этади ва ўз жавобини келтиради; матнни тўлиқ бермай, қисмларга ажратиб шарҳлайди; Тажрид нусхаларининг фарқларини аниқлашга аҳамият бериб, улар орасидан танлайди (таржих); Тусий зикр қилмаган бўлса-да, ундан аввалги олимлар таянган далилларни ҳам Исфаҳоний баъзан келтиради; далилнинг даражаси очиқ-ойдин (бурҳоний) ёки қониқарли (иқноий) эканини ҳам баён қилади (Холид Адвоний, 116-123).

Исфаҳонийнинг шарҳидаги услуби ҳақида Адвоний ушбу баҳоларини бергандан сўнг асарнинг қийматини изоҳлайди. Тусий шиа, Исфаҳоний эса аҳли суннанинг ашъария мазҳабига мансуб бўлгани сабабли баҳслар ва раддияларни ўз ичига олганлиги билан шарҳ жуда катта илмий аҳамиятга эга. Шунингдек, унда мавзуларни кенг таҳлил қилишга эмас, балки асосан, матн ибораларни изоҳлашга кўпроқ урғу берилган. Исфаҳоний ўз рақибларига раддия берар экан, уларнинг ҳеч бирини шикастламай, хушмуомалалик билан иш тутган, рақибининг сўзларини далил ва исботлар билан рад қилишга эътибор қаратган, мавзу бўйича билдирилган барча эътирозларга жавоб берган (Холид Адвоний, I, 116-123).

Тусийнинг ашъарияга қилган раддияларига Исфаҳоний илк бора ўз асарида ашъария нуктаи

назаридан жавоб берган. Шу сабабли Али Қушчи кўп масалаларда ундан иқтибос келтирган.

Али Қушчи ўз шарҳининг «Илоҳиёт» бўлимида Исфаҳонийнинг «Тасдид ал-қавоид фи Шарҳ Тажрид ал-ақоид»дан қуйидаги мавзуларда асар ва муаллифни зикр қилмай иқтибос келтирган: қудрат сифати (2756), (2766); илм сифати (278а); яхшилик ва ёмонлик (2966), (2976), (298а), (2986), (299а), (2996); банданинг феъллари (3016), (302а); таваллуд (3046); таклиф (3056), (306а), (3066), (307а); лутф (3076), (3086); алам (309а) (3096); ажал (311а); ризқ (311а), (3116); нарх (3116).

Зикр қилинган афзалликлари учун Саййид Шариф Журжоний ҳам ушбу асарнинг 1-2-бўлимларига хошия ёзган. У «Хошия ала Шарҳ Тажрид ал-ақоид» номи билан машҳур бўлиб, ўз даврида Мовароуннаҳр мадрасаларида ҳам ўқитилган, шу сабабли ушбу асарга кўп сонли хошия ва таълиқотлар ёзилган.

Журжонийнинг хошиясига «Хошияту Хошияти ат-тажрид» номи билан ёзилган хошияларнинг 25 та муаллифи маълум (Kâtip Çelebi, 2003:347-348). Усмоний мадрасалар илмий иерархияси таркибига кирувчи 20 талик мадрасаларда Исфаҳонийнинг «Тажрид»га шарҳи ва унга ёзилган Журжонийнинг хошияси асосида таълим берилгани сабабли улар «Тажрид хошияси мадрасалари», деб номланган (Муминов А.К., 2018:174).

3. Журжонийнинг (Саййид Шариф Журжоний Ҳанафий Абу Ҳасан Ҳусайний Али ибн Муҳаммад ибн Али ваф. 816/1413 й.) «Шарҳ ал-Мавоқиф» асаридан Али Қушчи «Илоҳиёт» бўлимида қуйидаги мавзуларда иқтибос олган: қудрат сифати (2756); илм сифати (278а), (2786) (279а); эшитиш ва кўриш сифатлари (280а), (2806); бирлашиш (2866); ходис (288а), Аллоҳни кўриш (289а), (2896), (290а), (2906), (291а), (2916), (2926), (293а), (2936), (294а), (2946), (295а); яхшилик ва ёмонлик (2966), (297а), (2976), (2986); банданинг амали (2996), (300а), (3006), (301а), (3036), (304а); таваллуд (304а).

Журжоний «илоҳиёт» ва «нубувват» мавзуларини ушбу асарида баён қилгани учун, эҳтимол, уларни «Хошия ала Шарҳ Тажрид ал-ақоид» номли асарида такрор қилмай, «умумий масалалар», «жавҳарлар ва аразлар» мавзуларига келиб яқунлаган. Али Қушчи ушбу икки бўлимда мазкур хошиядан ҳам фойдаланган.

«Ал-Мавоқиф»нинг муаллифи Ийжий Тусийнинг фикрларидан бохабар бўлган ва ушбу асарида Тусийнинг «Тажрид»да илгари сурган далилларини инобатга олиб муҳокама қилгани кўринади. Шу сабабли Ийжий, Журжоний ва

Тусийларнинг қарашлари ҳамда далилларини Али Қушчи ҳам инобатга олган ҳолда ўз шарҳида қўллайди.

4. Саъдиддин Тафтазонийнинг «Шарҳ ал-Мақосид» асари Али Қушчи илоҳиёт бўлимида энг кўп мурожаат қилган манбадир. Ундан қуйидаги мавзулар бўйича иқтибослар олган: вожибни исботлаш (275б); кудрат сифати (276а), (276б); илм сифати (277а), (277б), (278б); ҳаёт сифати (279б); ирода сифати (279б), (280а); эшитиш ва кўриш сифатлари (280а), (280б); калом сифати (280б), (281а), (281б), (282а), (282б), (283а); боқийлик сифати (284б), (285а) шериги йўқлик (285а), (285б), (286а); камровсизлик (286а), (286б); ҳодис бўлмаслик (286б), (287а), (287б); лаззатланмаслик (288б); Аллоҳни кўриш (288а), (288б), (289б), (290а), (291а), (291б), (292а), (292б), (293а), (293б), (294б), (295а); яхшилик ва ёмонлик (297б), (298а), (298б), (299а), (299б); банданинг амали (299б); (301а), (301б), (302а), (302б), (303а), (303б), (304а); қазо ва қадар (304а), (304б); ризқ (311а), (311б); аслаҳ (311б), (312а). Шунингдек, баъзан «Шарҳ ал-Мақосид»дан эмас, «Мақосид»нинг асл матнидан ҳам банданинг амали (303б), (304а) ва ажал (311а) мавзуларида иқтибос келтиради.

Аммо, Али Қушчи ўз шарҳида Тафтазонийнинг асарларидан фойдалангани ва унинг «Шарҳ ал-Мақосид» асаридан иқтибос олгани ҳақида бирон бир маълумот учрамайди. Балки, бунинг сабаби асарнинг муқаддимасида уларни қисқача зикр қилгани учун яна ҳар сафар такрорлашни лозим топмагандур. Зеро, Тафтазоний ҳам, бошқалар ҳам табиийки, шахсий қарашларини даъво қилмаганлар, балки ўзларидан аввалги кўплаб олимлар ижмосига таянганлар.

Лекин, унинг деярли ҳар бир саҳифасида Тафтазонийнинг иборалари ўзгаришсиз айнан такрорланганини учратиш мумкин. Иккала асарнинг мавзулари такқосланганда, Али Қушчи «Шарҳ ал-Мақосид»дан кенг фойдалангани, «Тажрид»нинг кўплаб масалаларига Тафтазонийнинг сўзи билан изоҳ бергани билинади.

«Али Қушчининг шарҳи «Тажрид» шарҳларининг энг яхшиси ва нафисидир. Чунки, у Исфаҳонийнинг шарҳидан ва Журжонийнинг ҳошиясидан фойдаланган. Шунингдек, ўзининг ижтиҳод ва қарашларини ҳам қўшган ҳолда Тафтазонийнинг «Шарҳ ал-Мақосид» ва Журжонийнинг «Шарҳ ал-Мавоқиф» асарларидан фойдаланган» (Hâlid b. Hammâd el-Advânî, 2012:54-55).

«Мақосид» ва «Шарҳ ал-Мақосид» асарлари «Тажрид» билан қиёсланганда кўринадики, Тафтазоний айрим масалаларда Тусийнинг лафзларини қўлаган ва нафақат ўз матнини, балки айни вақтда «Тажрид»нинг ўзини ҳам шарҳлаган. Тусий «Тажрид» асарини 6 қисмга (мақосид) ажратган. Тафтазоний ҳам асарини «Мақосид» деб номлаган.

Усмонийлар мадрасаларида Тафтазонийнинг «Шарҳ ал-Мақосид» дан эмас, балки унинг ўрнига ушбу асарга ўхшаш тарзда ёзилган Журжонийнинг «Шарҳ ал-Мавоқиф» асаридан таълим бериш белгиланганлиги Муҳаммад Фотих II нинг таъсири остида бўлган. У энг юқори даражадаги «қирқ» ва «ташқи эллик» мадрасаларида ўқитилган (Osman Demirci, 2012:382).

Бу маънода, Тафтазонийни ўрта савияли бир калом олими сифатида тавсиф этилиши (İhsan Fazlıoğlu, 2003:24), бу қайта кўриб чиқилиши керак бўлган масала. Аслида, мадрасаларда турли даражадаги асарларни ўқитиш, мутлақ маънода асарларнинг илмий савияси ва қийматини ифода этмаслиги ҳам мумкин. Бундан ташқари, юқори нуфузли классик асарлардан фойдаланмаган ҳолда ёзилган асарларнинг илмий қиймати ҳар доим ҳам муҳокама мавзуси бўлиши мумкин.

Усмонийлар даврида калом бўйича ёзилган энг муҳим (İhsan Fazlıoğlu, 2003:218) ва ислом цивилизацияси соҳасидаги долзарб асарлардан бири (İhsan Fazlıoğlu, 2003:87-106) сифатида танилган «Шарҳ Тажрид ал-ақоид»да Али Қушчи мазкур икки машҳур асарнинг ҳар биридан максимал даражада фойдаланган ҳамда зарур, деб ҳисоблаган жойларида иккала асарга ҳам мурожаат қилган.

Али Қушчи шарҳидан англаш мумкинки, ўзидан аввалги олимлар ёзган асарларнинг мазмуни билан яхши таниш бўлгани сабабли улардан «мерос» қилиб олган билимларини ўз асарларида акс эттирган. У ўз шарҳида ушбу иқтибосларни зикр қилмаганини «плагиат» деб ҳисоблашга асос йўқ. Чунки, классик давр илмий ҳаётидаги илмий салоҳият – асарларни шахсан таниш ва улардан айнан хабардор бўлиш даражаси билан белгилангани эътиборга олинса, «плагиат» муаммоси ҳақида гапиришнинг ҳожати қолмайди.

Али Қушчи юқорида айтиб ўтилган манбалардаги мавжуд маълумотлардан фойдаланишда турли хил усулларни қўлаган. Масалан, иқтибос олишда айрим ўринларда матнни ўзгартиришсиз айнан келтиради, гоҳида матнда

турли хил ўзгартириш қилади. Яъни, асл матнда исм бўлган сўзни ўз матнида олмошга алмаштиради; айрим матнларни қисқартириб баён қилади; иқтибос олган матнга қўшимчалар киритиш орқали ўз матнининг мазмунини асл матндан фарқли тарзда келтиради; мавзуни тавсифлашда турли манбалардан олинган матнларни жамлайди; тез-тез қўллайдиган усуллардан бири – «Тажрид»га нисбатан билдирилган эътирозларни ва унга турли хил матнлардан берилган жавобларни нақл қилади; иқтибос олган матнлардан мазкур усуллар ёрдамида ўз мустақил матнини яратади.

Шу сабабли, аксарият хошиялар муаллифлари асарни баҳолашда Хиллий, Исфаҳоний, Тафтазоний, Журжоний ва Али Қушчига (8 та хошия) мурожаат қилганлар. Чунки, Али Қушчининг шарҳи – матнни шарҳ ва хошиялар билан жамлаган якуний шаклдаги асардир.

Али Қушчи иқтибос келтиришда ўзининг фикрига кўра, энг қимматли, деб ҳисоблаган матнларга мурожаат қилган. Баъзи маълумотларнинг матнда тўлиқ жой олганини кўриш мумкин. Бундан эса, шарҳловчи таржих (танлов) қилгани, саралагани аниқроқ, очиқроқ шаклда тушунилади.

Али Қушчининг «Тажрид»даги шарҳлаш услуби ундан олдин шарҳ ёзган Хиллий ва Исфаҳонийларникидан фарқ қилади. Масалан, улар ўз шарҳларида, аввало, бир масала билан алоқадор матнни тўлиқ бериб, сўнгра «яқулу» (айтади) ибораси билан ўзларининг шарҳларини бошлайдилар. Али Қушчи эса, бир масалани олиб, Тажриддаги ушбу масаланинг далилларини бошқа далиллардан бирма-бир ажратиб шарҳлайди. Фақат «Тажрид»нинг мақсадини очиқлашга интилган жойларидагина, асосан, иқтибос қилиб олинган матнлардан фойдаланганлиги учун, эҳтимол, «яқулу» (айтади) иборасини қўлламайди. Лекин, «яқулу» (айтади) иборасидан кейин келтирилган ифодалар эса, унинг шахсий ёндашуви бўлиб, асосан, танқиддан иборат. Ушбу танқидлар барча масалаларга тегишли эмас, балки улар таянган далиллар батафсил танқид қилингандир.

Буюк аҳли сунна алломалари, деб танилган Ийжий, Тафтазоний ва Журжоний асарлари Али Қушчининг ушбу шарҳи учун бош манбалар бўлиб хизмат қилган. У нақлий далиллар билан бирга ақлий далиллардан ҳам фойдалангани унинг илмий ўлчовида «ақлий» масалалари ҳам муҳим ўринга қўйилганлигини кўрсатади.

Ардабилиининг хошиясини нашр этган Обидийнинг таъкидлашича, Али Қушчининг

шарҳи «Имомат» бўлимидан ташқари аксарият масалаларда Тусий фикрлари билан мувофиқ келади (Аҳмад Муҳаммад Ардабили, 1995:23). Аммо, Тусийнинг «Тажрид» ва унга Али Қушчининг шарҳини қиёсланганда, Обидийнинг мазкур хулосаси қанчалик ҳақиқатдан йироқ экани маълум бўлади. Чунки, юқорида айтилганидек, Али Қушчи нафақат имомат, балки кўплаб мавзуларда ҳам Тусийни илмий шахсиятига мос равишда далиллар билан танқид қилади. Унинг таъкидлашича, Тусийнинг айрим масалалар бўйича илгари сурган фикрлари мўътазила фикрига ҳам яқиндир.

Али Қушчи «Илоҳиёт» бўлимида камдан-кам ҳолларда матн ва шарҳни битта матнга айлантдириб, омухта қилади. Кўпинча, у асл матнни келтиришдан аввал ёки кейин тақрир қилади, яъни баҳо ва хулоса беради, масалани изоҳлайди. У яна, «мусанниф бунга шу сўзи билан ишора қилди», деб Тусийнинг ушбу масалага Тажридда ишора қилган матнини келтиради.

Али Қушчининг кейинги (мутааххир) давр олими экани унинг асардаги услубига турли жиҳатдан таъсир кўрсатган. Қайси соҳада бўлишидан қатъи назар, классик мантиқдаги тамойиллар билан белгиланган далилларни, қиёс шакллари билан бирига кўра тартибга солиш кераклиги хусусида Абу Ҳомид Ғаззолий, Фахриддин Розий, Сайфиддин Омидий, Саъиддин Тафтазоний, Саййид Шариф Журжоний каби кейинги даврдаги (мутааххир) мутакаллимлар ўзаро мувофиқдирлар. Ғаззолийнинг таъкидлашича, мантиқий қиёслаш андозасига солинган далиллар тўғри бўлиб, бундан бошқа исботлаш воситаси йўқ. У ислом тафаккурини асослаш ва ҳимоя қилиш учун қиёсни асосий исбот мезони сифатида келтириб, у бундай ёндашувида Қуръони каримга асосланади. Унга кўра, Қуръондаги барча далиллар, аввал тамоман маълум бўлмаган мантиқий таққослаш шаклида бўлиб, улар қиёслашнинг тўғри ва хато турларига ойдинлик киритади. Ғаззолий далилнинг шакли ва моҳияти мавзусида ақида илмига олиб келган янгилик, ундан кейинги Розий, Омидий, Ийжий, Байзовий, Тафтазоний ва Журжоний каби олимлар томонидан қабул қилиниб, давом эттирилди ва бу соҳадаги тадқиқотлар янада юқори савияларга кўтарилди (Yusuf Şevki Yavuz, 1994:136-137).

Юқорида зикр қилинган ўтмишдошлари билан айнан бир хил илмий муҳитга мансуб бўлганлиги сабабли Али Қушчи ҳам ушбу асарини улар каби классик мантиқ услубида ёзган. У келтирган далилларда, асосан, «ҳамл-иктирон» ва «шарт-

истисно» каби мантикий қиёслаш турлари қўлланган. Бундай қиёсда мантиқ илмига кўра, натижанинг бир хил ёки аксинча бўлиши матнда очик айтилмайди.

Баъзан «хамл» (фаразан назарда тутиладиган) қиёснинг таркибий унсурлари баён қилинади. Шарҳнинг кўп жойларида эса, «лузум», «мулозамат», «муқадам», «талиий» каби ифодалар қўлланилиб, бунда «шарт-истисно» қиёс методига мурожаат қилинганлиги кўринади («агар бундай бўлганида, бундай бўлишини тақазо этган бўларди» қабиллида).

Али Қушчи ўзининг шарҳидаги ёндашувлари ашъарияга ҳам мувофиқ келади ва у ашъария уламолари томонидан қилинган илмий баҳсларни «таржих» (саралаш) қилади, улар орасидан ўз танловини келтиради. Буни мотуридиядаги «таквин» масаласида очик кўриш мумкин. Ашъария қарашларини ўзлаштирган бўлса-да, у ашъария уламоларининг келтирган далилларини танқид қилишдан ҳам четланмай, ўзининг илмий изланишларини ҳам илгари суриб, биринчи ўринга олиб чиқади. Шу билан бирга, Али Қушчи ашъария ва мотуридия ўртасидаги баҳс-мунозараларга киришмай, умумий аҳли сунна ғоясини ривожлантиришга интилади.

Али Қушчи ўзининг ушбу асарини ёзганидан кейин уни «Тажрид»нинг шарҳчиси» деб зикр қилинишининг ўзи унинг бу соҳадаги ишининг аҳамиятини изоҳлаш учун етарли. Али Қушчи тириклигидаёқ олимлар бу асарнинг кадр-қийматини юқори баҳолаганлар. Классик давр диққат марказида бўлган илмий масалалар билан яқиндан таниш, яхши бохабар бўлган тадқиқотчилар томонидан сўнги даврларга қадар фойдаланилган манба сифатида ўзига хослигини сақлаб қолди.

Астрономия соҳасидаги тажрибаси билан ҳам танилган, илмий анъаналарни яхши билган Меҳмет Фатин Гокменнинг (1877-1955) Али Қушчи ҳақида билдирган қуйидаги фикрлари диққатга сазовордир: «Кейинги даврдаги фалсафа ва калом илмларининг буюк олими бўлганлиги учун ҳам мен уни яхши кўраман. Улуғбек вафоти билан ўз ҳомийсидан айрилди ва расадхонанинг ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан вайрон бўлганини кўрган Али Қушчи, астрономия ва математика соҳасидан, ўша замонда тобора ривожланиб бораётган фалсафа ва калом соҳасига ҳам ўтди. Ҳатто бу соҳада ҳам у замондошларини «соясида қолдирди» ва ақида илмида Носириддин Тусий тегмаган ғояларини

ҳам ўз ичига олган «Шарҳ Тажрид ал-ақоид» асари орқали ўз салоҳиятини намоён эта олди. Унга баҳо бериш учун, ушбу шарҳ туфайли бир неча асрлар давом этган, кўплаб баҳс-мунозаралар натижасида келиб чиққан қуйидаги тортишувни эслаш кифоя:

Ўша пайтда ислом дунёсида икки буюк аллома Жалолоддин Даввоний ва Садриддин Шерозий ақида илмида ҳукмронлик қилар эди. Али Қушчи тириклигидаёқ унинг шарҳига Жалолоддин Даввоний ҳошия ёзган. Садриддин Шерозий эса унинг ушбу ҳошиясига эътирозларини ўз ичига олган раддия ҳошиясини ёзган. Даввоний эса иккинчи ҳошиясини ёзиб, Шерозийнинг эътирозларига раддия берган. Кейинчалик, Шерозий эса Даввонийнинг иккинчи ҳошиясига ҳам қарши яна иккинчи ҳошиясини ёзган. Даввоний эса унга қарши учинчи ҳошиясини ёзган. Шерозий эса вафот этганлиги сабабли унинг ўғли Ғиёсиддин Мансур Шерозий отасини ҳимоя қилиб, бир ҳошия ёзиб, Даввонийга жавоб берган. Бу ҳимояни унинг замондош ва издошлари икки аср давом эттирдилар. Ушбу ажойиб шарҳланган асарларга издошлари томонидан кўплаб таълиқот ва ҳошиялар битилган. Бундай буюк бир илмий ҳаракатни бошлаган асарнинг муаллифини яхши кўриш ва ҳурмат қилиш, ҳеч шубҳасиз, бизнинг бурчимиздир» (Narun Anay, 1994:140).

Ушбу тортишмалар асносида Даввоний қуйидаги 4 та ҳошияни ёзган: 1. «Ал-Ҳошия ал-қадима ала Шарҳ Тажрид ал-ақоид». 2. «Ал-Ҳошия ал-жадида ала Шарҳ Тажрид ал-ақоид». 3. «Ал-Ҳошия ал-ажадд ала Шарҳ Тажрид ал-ақоид». 4. «Ал-Ҳавоший би-Тажрид ал-ғавоши».

Даввонийга раддия қилиш учун «Ҳошия ала Шарҳ Тажрид ал-ақоид» бир хил номдаги тўртта ҳошиянинг дастлабки учтасини Садриддин Шерозийнинг ўзи, тўртинчисини эса, унинг ўғли Мир Ғиёсиддин Мансур Ҳусайний ёзган (Katib Celebi, 2003:249-350).

Али Қушчининг шарҳига ёзилган шарҳ ва ҳошиялар сони ҳақида гоҳида жуда бўрттирма муболағали рақамлар ҳам айтилган. Хусусан, Саййид Ҳусайн Наср маълумотида кўра, 400 дан зиёд асар ёзилган (Seyyid Hüseyin Nasr, 1987:186). Чунки, фақат «Тажрид»нинг ўзига шарҳ ва ҳошия ёзган муаллифларнинг ҳозирда 192(Э.Алташ, 2020:133-146) нафари маълум.

Кейинги даврларда ҳам Али Қушчининг шарҳига кўплаб олимлар мурожаат қилиб, ўз асарларида ундан фойдаланиб, унга ишора қилганлар. Жумладан,

1) Даввоний файласуфларнинг худус (оламнинг азалий эмас, кейин пайдо қилинганлиги) ҳақидаги фикрларини муҳокама қилар экан, «ал-Ҳошия ал-жадида ала Шарҳ Тажрид ал-ақоид» асарида бу масаланинг тафсилотларини батафсил баён қилганини билдиради (Celâlüddin ed-Devvânî, 1314:51).

2) Али Қушчининг замондоши бўлган Шамсиддин Аҳмад б. Мусо Хаёлий¹ (ваф. 886/1481 й.) ўзининг «Шарҳ ал-Қасида ан-нуния» номли асарида «бандаларнинг феъллари» масаласида Али Қушчининг «Шарҳ Тажрид ал-ақоид» асаридан фойдаланган (Науаӣ, нашр йили кўрсатилмаган:49).

3) Абдулғани б. Исмоил Ноблусий Ҳанафий (1050-1143/1640-1730) ўзининг «Таҳқиқ ал-интисор фи иттифоқ ал-Ашъарий ва ал-Мотуридий ала халқ ал-ихтиёр» номли асарида кейинги (мутааххир) даврдаги мотуридия уламоларининг «аҳвол» ва «ирода» мавзуларида ишлаб чиқиб, ривожлантирган тушунчаларини муноқаша қилган. У Али Қушчининг «Шарҳ Тажрид ал-ақоид» асарига нисбатан ақида илмига оид асосий фундаментал асар сифатида ёндашади ва уни Ийжийнинг «ал-Мавоқиф» асарига Журжоний ёзган «Шарҳ ал-Мавоқиф» асари билан баробар кўяди (Badeen, нашр йили кўрсатилмаган:83-85).

4) «Ишорот ал-маром» номли асарида эса, Аҳмад Баёзий (ваф. 1078/1687 й.) «вужуд моҳияти»нинг ҳақиқатига баҳо берар экан, «Шарҳ Тажрид ал-ақоид»га ҳам мурожаат этишга ишора қилади (Аҳмад Баёзий, 1949:209). Шунингдек, у Абу Ҳанифанинг қарашларини ҳам шарҳлайди, мотуридия мактабининг асосий манбаларига мурожаат қилади, уларнинг номларини қайд этади. Айниқса, мотуридия ва ашъария ўртасидаги фарқларни аниқлайди. Бу асар, ўзидан сўнг бу мавзуга доир асар ёзган олимлар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилган. У мотуридия таълимотига оид кейинги даврдаги асарлар орасида ўзига хос катта аҳамиятга эга бўлган асар дея эътироф этилади (Yusuf Şevki Yavuz, нашр йили кўрсатилмаган:167).

5) Мотуридия олимларидан Кётахаёлий Аҳмад Осим (ваф. 1911 й.) ўзининг «Рисола фи ал-фарқ байн ал-ақоид ан-нафсий ва байн ал-ақоид ал-лафзий» асарида Тафтазоний, Тусий ва Али Қушчини зикр қилиб, бу уч олим бу борада бир хил фикрда бўлганликларини таъкидлайди (Kütahyalı Ahmed Âsim, нашр йили кўрсатилмаган:20).

6) Яна бир сўнги давр олимларидан Бабанзода Аҳмад Наим ўзининг «Илм ан-нафс» номли тадқиқот ишида «Шарҳ Тажрид ал-ақоид»нинг «мақсад, унутиш, таъқиб ва эътибор» каби мавзулари ўзи учун манба бўлганлигини ёзади (İsmail Kara, 2000:98).

Шунингдек, Али Қушчининг яна бир асари бўлмиш «Унқуд аз-завоҳир» ҳақида Сочиюқлизода (ваф. 1145/1732 й.), талабалар бу асардан бир нусхасини кўчириб олиб, ўзларидан ҳеч йироқ қилмасликлари кераклигини, Чунки, тилшунослик илмларида бунга ўхшаш асар кўрмаганлигини айтади (Ebûbekir el-Mar'aşî, 1988:121).

XVIII асрнинг тилшунос олимларидан Муҳаммад б. Али Саббон (ваф. 1206/1792 й.) Али Қушчини Тафтазоний билан тенг баҳолаб, унинг тилшуносликдаги муҳим ўрнига алоҳида эътибор қаратади (Muhammed b. Ali es-Sabbân, нашр йили кўрсатилмаган:285).

Хулоса қилиб айтганда, Али Қушчи ўз даврида ҳам, ундан кейин замонавий давргача ҳам олимларнинг диққат эътиборида бўлган. Унинг таъсири фақат унинг асарига ёзилган ҳошиялар билангина чекланиб қолмаган, балки унинг фикрлари алоҳида мустақил асарлардан ҳам жой олган.

Ақидавий мавзуларни баён қилишда ва далиллаш усулларини қўллашда Али Қушчи ва Имом Мотуридий ўртасида баъзи ўхшашликлар бор. «Китоб ат-тавҳид» (Мотуридий) X аср, «Тажрид ал-ақоид» (Тусий) XIII аср, «Шарҳ Тажрид ал-ақоид» (Али Қушчи) XV асрга оид, ўртада 2-3 асрдан тафовут бўлса-да, ақида илмига оид ушбу асарларнинг мундарижасида ўзаро уйғунлик мавжуд.

Жумладан, Мотуридий нафақат исломдаги турли фиркаларга, балки айрим фалсафий мактаблар ва бошқа динлар вакилларига ҳам, борлиқни англаш (гносеология, онтология) ҳамда илоҳиёт (теология, метафизика) борасидаги уларнинг ақлий ғоя ва қарашларини ислом илоҳиёти, ақида илми нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, уларга баҳо берган. Мотуридийнинг (ваф. 333/944 й.) услуби Абу Ҳанифа (ваф. 150/767 й.) ва Абу Жаъфар Таҳовий (ваф. 321/933 й.) каби ақида олимлари услубидан шу жиҳатдан ўзига хосдир. Улар ақидавий мавзудаги матнларни кўпроқ анъанавий баён услубида талқин қилганлар. Мотуридий эса, асосан, муҳолиф томон қарашларини бирма-бир келтириб, баҳс қилиб, муносабат билдиради. Ушбу услубни Али Қушчида ҳам кузатиш мумкин.

¹ Шамсиддин Исфохоний «Тажрид»га ёзган шарҳига Саййид Шариф Журжоний ҳошия ёзган, ушбу ҳошияга Шамсиддин Хаёлий ҳам ҳошия ёзган.

Шунингдек, Али Қушчи Тафтазонийнинг «Шарҳ ал-Мақосид» асаридан ҳам фойдаланган. У эса, Умар Насафийнинг «Ақоид» асарига шарҳ² ёзган, у эса, Мотуридийнинг «Тавҳид» асаридан (Имом Мотуридий, нашр йили кўрсатилмаган: 11-12) (нарсалар ҳақиқати, илм воситалари, араз, жавҳар ҳақида) иқтибослар олган. Демак, ушбу силсила занжири Али Қушчи ва Мотуридий услубидаги ўхшашлик бежиз бўлмаганлигини кўрсатади. Уларнинг ўзига хос фарқли жиҳатлари шундаки, Мотуридий турли фирқалар билан илмий баҳсларга киришган, уларга ҳам нақлий, ҳам ақлий далиллар билан раддиялар берган. Али Қушчининг эса, диний фирқалар билан жонли мунозара қилгани ҳақида маълумот манбаларда учрамайди.

Тусий ва Али Қушчи калом ва табиий фанлар билан ҳам шуғулланганлари боис ақидавий масалаларни таҳлил ва баён қилишда ҳам ноанъанавий – фанлараро интеграция услубида ёндашганлар. Айниқса, Тажрид асаридаги биринчи мақсад – «умумий масалалар» бўлимида араз, жавҳар, модда ва жисмлар ўртасидаги хусусият ҳамда боғлиқликларни қиёслашнинг диалектик методологиясида бу яққол акс этган (Али Қушчи, 1884:152).

Али Қушчи қаламига мансуб «Шарҳ Тажрид ал-ақоид» асарининг манбашунослик таҳлили шуни кўрсатдики, унинг ўзига хослиги шундаки, ислом илмларини табиий ва аниқ фанлар билан синтез қилган ҳолда, илмий тафаккурни яхлит таҳлил этиш орқали, оламни англаш ва эътиқод қилиш асослари чуқур тадқиқ этилган.

Носириддин Тусийнинг «Тажрид ал-ақоид» асарига ҳозирга қадар ўтган 8 аср давомида 192та шарҳ ва ҳошиялар ёзилгани маълум, айримларининг (15+47) нусхалари (92) аниқланди. Муаллифлар орасида Али Қушчи билан бир қаторда машҳур аҳли сунна олимлари ҳам (38 %) бор. Жумладан, Исфаройний (ваф. 749/1348 й.), Исфаҳоний (ваф. 688/1289 й.), Акмалиддин Бобартий (ваф. 786/1384 й.), Саййид Шариф Журжоний (ваф. 816/1413 й.), Ҳасан Фанорий (ваф. 886/1481 й.), Шамсиддин Хаёлий (ваф. 886/1481 й.), Жалолиддин Даввоний (ваф. 918/1512 й.), Ибн Камол Пошо (ваф. 940/1533 й.), Асомиддин Тошкўпирзода (ваф. 962/1561 й.).

Шунингдек, ҳошияларнинг 24таси Журжонийнинг ҳошиясига, 8таси Али Қушчи шарҳига ёзилган. Журжоний асарнинг фақат

² Қаранг: Абдулмалик Саъдий. Шарҳ ало матн ал-Ақоид ан-насафия. -Аммон: Дор нур ал-мубин ли ан-нашр ва ат-тавзиъ, 2016.-Б.37 (Бундан кейин «Саъдий. Шарҳ ал-Ақоид»).

биринчи ва иккинчи бўлим (мақсад) лари билан чекланган. Али Қушчи шарҳи эса, тўлиқ (400 саҳифадан ортик) шарҳдир. Мазкур рақамларнинг ўзи ҳам асарнинг катта эътиборга сазовор бўлганини ва муҳим илмий аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Али Қушчи ўз шарҳида Тафтазоний ва Журжоний каби аҳли сунна олимларининг асарларидан фойдаланиб, хулосавий фикрлар берилгани учун суннийлик ва шиалик ақидаларини қиёсий ўрганишда, ислом илмларини табиий ва аниқ фанлар билан узвий англашда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Кейинги даврларда ҳам Али Қушчининг шарҳига қуйидаги олимлар мурожаат қилиб, ўз асарларида ундан фойдаланиб, унга ишора қилганлар: Хаёлий (ваф. 886/1481 й.), Даввоний (ваф. 918/1513 й.), Баёзий (ваф. 1078/1687 й.), Ноблусий (ваф. 1143/1730 й.), Сочиоклизода (ваф. 1145/1732 й.), Али Саббон (ваф. 1206/1792 й.), Кётахаёлий (ваф. 1911 й.) ва Бабанзода Аҳмад Наим (İsmail Kara, 2000:98).

«Шарҳ Тажрид ал-ақоид» асаридаги ақида ва каломга оид қарашлар ҳамда талқинлар кейинги (мутааххир) даврнинг энг муҳим аҳли сунна асарлари сифатида эътироф қилинган Ийжийнинг «Мавоқиф» ва Тафтазонийнинг «Мақосид» номли асарлари таркибига нафақат яқин, балки ўзаро бир манбавий асосга эгадир. Буни улар мундарижасидаги мавзулар тартибидан яққол кўриш мумкин. Розийнинг «ал-Муҳассал» асарини Тусий мухтасар баён қилиб «Талхис ал-Муҳассал» асарини ёзган. Шунингдек, Тафтазонийнинг «Мақосид» асаридан, Журжонийнинг «Мавоқиф» га шарҳидан ҳамда «Тажрид»га ёзган ҳошиясида Али Қушчи ўз шарҳида унумли фойдаланиб, кўплаб иқтибослар келтирган. Хуллас таъсирланиш занжирини қуйидагича ифодалаш мумкин: Ибн Сино, Ғаззолий, Розий, Тусий, Ийжий, Журжоний ва Тафтазоний, Али Қушчи; Абу Ҳанифа, Мотуридий, Насафий, Тафтазоний, Али Қушчи. Аммо, шундай бўлса-да, сунний ақида ва каломни ўрганишда Али Қушчининг ушбу сермаҳсул шарҳи бугун эътибордан четда қолмоқда.

ХУЛОСА

Али Қушчининг «Шарҳ Тажрид ал-Ақоид» асарини тадқиқ қилишда илмий манбаларни чуқур таҳлил қилиш жуда муҳимдир. Ушбу асарнинг манбаларини ва унинг илмий аҳамиятини баҳолашда, биринчи навбатда, унинг кўплаб

қўлёмалари ва тошбосмаларининг мавжудлиги, шунингдек, қўлаб илмий шарҳлар ва изоҳларнинг ёзилганлиги катта аҳамиятга эга. Али Қушчи ўз асарида фақат Тусийнинг, Рузийнинг, Ижий ва Журжоний каби машҳур олимларнинг илмий меросларини эмас, балки уларнинг ишлари ва қарашларига ўзининг илмий ёндашувини ҳам қўшган. Бу жараён, уларнинг илгари сурган нуқтаи назарларини кенгайтирган ва уларни ўз асарига қўллаган. Али Қушчи томонидан олиб борилган илмий изланишлар нафақат ўша даврдаги олимлар, балки кейинги замонларда ҳам катта таъсир кўрсатган.

Али Қушчининг асари нафақат илмий меросни ўрганиш учун, балки ўша даврнинг диний ва фалсафий қарашларини тушуниш учун ҳам муҳим манба ҳисобланади. «Шарҳ Тажрид ал-Ақоид» асарининг аҳамияти, нафақат илмий нуқтаи назаридан, балки унинг барча маъноларни, тушунчаларни аниқ ва мукамал тарзда изоҳлашда ўзига хос усулни қўллашида ҳам кўринади. Асар муаллифи, ўз замонасидаги бошқа олимлар билан муносабатда бўлиб, уларнинг илмий қарашларига нисбатан ўз позициясини аниқ ифодалаган.

Бундан ташқари, Али Қушчи ўз асарида, бир нечта муҳим манбалардан, жумладан, Насириддин Тусийнинг «Тажрид ал-Ақоид» ва унинг шарҳлари, Шамсиддин Исфаҳонийнинг «Тасдид ал-Қавоид» асари, Саъиддин Тафтазоний ва Саййид Шариф Журжоний каби мутафаккирларнинг асарларидан кенг фойдаланади. Уларнинг фикрлари ва қарашларини ўз асарига киритиш орқали, Али Қушчи ўз илмий изланишларига ҳамда диний ақидаларга янги ёндашув киритган. Унинг ишлари, нафақат ўша даврдаги, балки келажакдаги илмий таҳлиллар учун ҳам қимматли манба бўлиб қолган.

Али Қушчининг «Шарҳ Тажрид ал-Ақоид» асари, шунингдек, унинг фалсафий ва диний илмий ишлари, тафаккур соҳасидаги ўзининг юксак мавқеини белгилайди. Унинг асарларини ўрганиш, ўша даврнинг илмий тафаккурини тўлиқ тушунишга ёрдам беради ва унинг давомида яратган илмий меросни кенгайтиради. Бу асар нафақат диний ақида, балки умумий фалсафа, тафаккур ва илмий ишланмалар соҳасида ҳам катта аҳамиятга эга. Шунингдек, Али Қушчининг илмий фаолияти ва шахсий ёндашувлари унинг адабий ва илмий ютуқларига кўрсатган таъсирини кучайтирган.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдулмалик Саъдий. (2016). Шарҳ ало матн ал-Ақоид ан-насафия. Аммон: Дор нур ал-мубин ли ан-нашр ва ат-тавзий.
2. Али Қушчи. (1884). «Янги шарҳи» га Даввонийнинг «Янги ҳошия»си. Гарвард университети кутубхонаси. Қўлёма №OL22800.10.5F.
3. Абу Мансур Мотуридий. (2001). Китоб ат-тавҳид. Бақр Тўпалўғли, Истанбул, Мактаба ал-Иршод, Дор ас-содир, Байрут.
4. Аҳмад бин Муҳаммад Ардабили. (1995). Ал-Ҳошия ало илоҳиёт аш-шарҳ ал-жадид ли ат-тажрид. Аҳмад Обидий. Қум: Дафтар таблиғот исломий.
5. Эртугрул Алташ ва бошқалар. (2020). Тасдид ал-қавоид фи Шарҳ Тажрид ал-ақоид, Ҳошия ат-Тажрид. Истанбул: Диёнат вақфи.
6. Аширбек Муминов. (2018). Научное наследие ханафитских ученых Центральной Азии и Казахстана: Монография. Астана.
7. Ayşe Betül Tekin. (2013). Tûsî'nin Tecrîdü'li'tikâd'ı ve Şerhlerinde Varlık ve Mâhiyet (Unpublished doctoral dissertation). Marmara Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü, Istanbul.
8. Celâlüddin Devvânî. (1896). Celâl ale'l-Akâidi'l-Adudiyeye (Hâşiyetü'l-Celâl içinde), Istanbul.
9. Hâlid bin Hammâd el-Advânî. (2012). Mukaddime. In Ş. el-İsfahânî, Tesdîdü'l-kavâid fi şerhi Tecrîdi'l-akâid (Vol. 1). Kuwait.
10. İhsan Fazlıoğlu. (2003). Osmanlı felsefe-biliminin arkaplanı: Semerkand matematik-astronomi okulu. Dîvân İlmî Araştırmalar, 14(1).
11. Osman Demirci. (2012). Osmanlı medreselerinde kelâm öğretimi (Unpublished doctoral dissertation). Marmara Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü, Istanbul.

REFERENCES

1. Abdulmalik Sa'di. (2016). Sharh 'ala Matn al-'Aqa'id al-Nasafiyya. Amman: Dar Nur al-Mubin li al-Nashr wa al-Tawzi'.
2. Ali Qushchi, and Jalaluddin Dawwani. (1884). Hashiyat Dawwani 'ala Sharh al-Jadid li Qushchi (Manuscript No. OL22800.10.5F). Harvard University Library. (Original work published 1301 AH / 1884 CE, electronic copy).
3. Abu Mansur al-Maturidi. (2001). Kitab al-Tawhid (edited by Bekir Topaloglu). Istanbul: Maktaba al-Irshad; Beirut: Dar al-Sadir.
4. Ahmad bin Muhammad Ardabili. (1995). Al-Hashiya 'ala Ilahiyat al-Sharh al-Jadid li al-Tajrid (edited by Ahmad 'Ubaydi). Qum: Daftar Tablighat Islami.

5. Ertugrul Altash et al. (2020). Tasdid al-Qawa'id fi Sharh Tajrid al-'Aqa'id, Hashiyat al-Tajrid (Vol. 2). Istanbul: Diyanet Vakfi.
6. Muminov, Ashirbek. (2018). Nauchnoe nasledie khanafitskikh uchenykh Tsentral'noy Azii i Kazakhstana: Monograph. Astana.
7. Tekin, Ayşe Betül. (2013). Tüsi'nin Tecridü'li'tikâd'ı ve Şerhlerinde Varlık ve Mâhiyet (Unpublished doctoral dissertation). Marmara Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü, Istanbul.
8. Jalaluddin Dawwani. (1896). Jalal 'ala al-'Aqa'id al-'Aduyya (within Hashiyat al-Jalal) (Vol. 1). Istanbul.
9. Khalid bin Hammad al-Adwani. (2012). Mukaddime. In Şemseddin al-Isfahani, Tesdid al-Qawa'id fi Sharh Tajrid al-'Aqa'id (Vol. 1). Kuwait.
10. Fazlıoğlu, İhsan. (2003). Osmanlı felsefe-biliminin arkaplanı: Semerkand Matematik-Astronomi Okulu. Dîvân İlmî Araştırmalar, 14(1), 124.
11. Demirci, Osman. (2012). Osmanlı Medreselerinde Kelâm Öğretimi (Unpublished doctoral dissertation). Marmara Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü, Istanbul.

